



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Nurobod

1977-yil 1-martdan
chiqa boshlagan

ISSN 2010-9016

E.mail: asl_nurobod@umail.uz

2022-yil 9-fevral, chorshanba, 4(2979)-son

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Туман Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 3 февраль куни Халқ депутатлари туман Кенгашининг қирк учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия кун тартибиди куйидаги:

1. Нуробод тумани адлия бўлими бошлиғи У.Раҳмановнинг “Нуробод тумани адлия бўлими томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахбороти ҳақида;
 2. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи А.Очиловнинг 2021 йил 12 ойи давомида туман ҳудудида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ҳафсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти ҳақида;
 3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Нуробод тумани бўлими бошлиғи А.Хамдамовнинг 2021 йилнинг 12 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тўғрисида;
 4. Туманда ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш орқали уларни бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган масканларни жиҳозлаш учун маблағлар ажратиш тўғрисида;
 5. Нуробод туманида 2022 йилда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар дастури муҳокамаси тўғрисида;
 6. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни “Темир дафтар”га киритиш ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармасидан маблағ ажратиш тўғрисида;
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарори ижроси юзасидан 2021 йилда туманда амалга оширилган ишлар тўғрисида;
 8. Халқ депутатлари Нуробод туман Кенгашининг айрим депутатларнинг депутатлик ваколатини муддатидан олдин тугатиш ҳамда бўшаб қолган ўринларга депутат сайловини ўтказиш ҳақида;
 9. Нуробод тумани ҳокимлиги бошқарув аппаратининг янги-ланган ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида;
 10. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шакланган эркин қолдиқ манбалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.
- Кун тартибидидаги масалалар юзасидан масъулларнинг ахборотлари тингланиб, масалалар юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН 7 ЙЎНАЛИШ, 100 МАҚСАД

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН –
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ



Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга оширишга оид Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштиришга умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

2022 йил 28 январь
куни Ўзбекистон
Президенти Шавкат
Мирзиёев “2022-2026
йилларга мўлжалланган
Янги Ўзбекистоннинг
Тараққиёт стратегияси
тўғрисида”ги фармонни
имзолади.
Ушбу ҳужжат лойиҳаси
2021 йил 30 декабрдан
2022 йил 15 январгача
2022-2026.
regulation.gov.uz ва
2022-2026.strategy.uz
порталлари ҳамда @
dscuzbekistan
телеграмм каналлари
орқали жамоатчилик
муҳокамасидан
ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодийётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини қафолатлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва қафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги беш йиллик ҳўхотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳўқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳўқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойили асосан ишлаб чиқилган куйидаги еттига устувор йўналишдан иборат 2022- 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (кейинги ўринларда – Тараққиёт стратегияси) ва уни «Инсон қадрини ўлўглаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо

этиш;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; миллий иқтисодийётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш сўрьатларини таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

2. Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини ўлўглашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда уч ой муддатда куйидагиларни назарда тутувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ижтимоий сўгурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий сўгурта жамғармасини ташкил этиш;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан интеграция қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчўрттинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи-тўрттинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор

лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсин;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига куйидаги ўзгартiriшлар киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин:

аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлишвақтинингҳаммасинижамаляганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш;

болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш.

3. Маҳалланинг «фаол» моделини жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини бевосита хал қилиш ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида 2022 йилда:

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самарали йўлга қўйилсин;

барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгилансин;

маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилсин;

маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, молиявий имкониятлари кенгайтирилсин; маҳаллаларнинг «ўсиш нукталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самардорлиги оширилсин;

маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий ишшотлар, ижодий клублар, бандликка қўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик объеклари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин;

маҳаллани жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан, маҳалла раиси томонидан маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг самарали механизмлари йўлга қўйилсин;

фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институти жорий этилсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (М. Убайдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда кенг жамоатчилик, шу жумладан, маҳалла тизимида кўп йиллик иш стажига эга ҳодимларни жалб қилган ҳолда маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва янгиланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қудбиев) билан биргаликда икки ой муддатда Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартiriшлар киритишни назарда тутувчи нормативҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида:

умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605 миллиард сўм ажратилсин;

141 мингга янги ўқув ўринлари яратилсин ва уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги ўқув ўринларини яратиш ва мактаб ўқувчиларини касбхунарга ўқитиш бўйича чораларни кўриб бориш.

(Давоми 2-саҳифада)

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида

5. Тараққиёт стратегиясида **аҳоли саломатлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) ҳудудларда бирламчи тиббий хизматини **«бир қадам» тамойили** асосида йўлга қўйиб, **105 та оилавий шифокор пункти** ва **31 та оилавий поликлиника** ташкил этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда тегишли курилиш ишларини **2022 йил якунига қадар** якунлаш бўйича амалий чораларни кўрсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда икки ой муддатда хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўллашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга бепул тиббий хизматларни кўрсатиш механизми жорий қилинишини таъминласин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар:**

2022 йилда икtidорли ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақларини малака тоифасигақараб табақалаштирилган ҳолда ошириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчи ва шифокорларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин ҳамда малакани баҳолаш услубиёти асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни **жадал ривожлантириш** ва **юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2022 йилда йиллик **инфляция** даражасини **9 фоиз**гача ва 2023 йилда **5 фоиз** ҳамда **фискал тақчиллиқни 3 фоиз**гача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилсин.

Бунда давлат улушига эга **тижорат банкларида трансформация** жараёнларини якунлаб, **2026 йил якунига қадар** банк активларида хусусий сектор улуши **60 фоизгача** чиқарилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) Марказий банк (М. Нурмуратов) билан биргаликда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроеқтисодий барқарорлиқни таъминлаш бўйича амалий чораларни **доимий равишда** кўриб борсин;

б) 2022 йилда **қўшилган қиймат солиғи** ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида **фойда солиғи** ставкаси 15 фоизгача **туширилсин**.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишнинг назарда тутувчи конун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) **«Яшил иқтисодиёт»** технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилсин.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида қуйидаги лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров) **2022 йил 1 мартга қадар** – қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш дастурлари;

Иқтисодий тараққиёт в акамбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (Б. Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А. Султанов) **2022 йил 1 июнга қадар** – саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича «яшил иқтисодиёт»га ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш дастури ҳамда электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича қарор.

8. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун маҳсул солиқ ставкаларини ўрнатish тажрибаси асосида шаронти «оғир» бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттирилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 октябрга қадар** шаронти «оғир» бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси **1 фоиз** ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан 1 фоиз ставкада тўлаш тизимини жорий этиш бўйича конун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич **тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш** тартиби жорий этилсин ҳамда тақорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, **ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилин**.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д. Қосимов) ва Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов) билан биргаликда **уч ой муддатда** тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар хатловдан ўтказиб, уларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли йўналишлар бўйича ягона реестрга киритиш ҳамда ушбу реестрни **2025 йилга қадар тўлиқ ишга тушириш** юзасидан таклифларни Ўзбекистон

Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. **2022 йил 1 апрелга қадар** тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда соддалаштирилсин:

айрим фаолият турларига фақат малакавий талабларни белгилаш орқали бино ва иншоот, хона, асбоб-ускуна, техника воситалари, бошқа жиҳозлар ҳамда уларга бўлган шартларни бекор қилиш;

фаолият йўналишидаги эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисни танлаш ҳуқуқини бериш орқали штатида мавжуд бўлиши шарт бўлган ходимларга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш;

муайян фаолият билан қўчма тартибда, шу жумладан, автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда шуғулланиш имкониятини яратиш;

хизмат кўрсатиш мамлакат ҳудудидан ташқарисида амалга оширилиши сабабли хориждан келган буюртмалар бўйича миллий стандарт ва талабларни бекор қилиш;

«боғловчи-оператор» сифатида масофавий хизмат кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари (агрегаторлар) фаолиятига доир махус шартларни белгилаш орқали айрим лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш бўйича талабларни бекор қилиш.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар талабларининг мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

11. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор учун кенг йўл очиш мақсадида эксклузив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига **25 дан ортик фаолият тури бўйича монополиялар** тугатилсин:

2022 йилда – 14 та, шу жумладан, сертификатлаштириш хизматлари;

2023-2025 йилларда – 11 та, шу жумладан, нефть маҳсулотларини сақлаш, темир йўлларда ташишда қўшимча хизматларни кўрсатиш, аэровокзал ва вокзал олди комплексларини юритиш хизматлари, темир йўлда экспедиторлик хизматлари.

12. Тараққиёт стратегиясида **ҳудудларни комплекс ижтимоийиқтисодий ривожлантириш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида **ҳудудлар билан ишланишнинг** қуйидагиларни назарда тутувчи **янги тартиби** ўрнатилсин:

2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча **туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини** чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади;

ҳар чорак якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги** вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисобот беради;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган **муҳим лойиҳалар** барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда **маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин** қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой** муддатда 2022-2026 йилларга мўлжалланган республиканинг ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар лойиҳаларини тасдиқласин.

13. Давлат бошқаруви органларининг **«Давлат – инсон учун» тамойили** асосида **ҳудудий масалаларни халқ қилишдаги масъулият** ва **жавобгарлигини кучайтириш** ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида:

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича «йўл хариталарини» ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилсин;

барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан, жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин;

давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб борилсин;

давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш тизими яратилсин;

ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **тўрт ой** муддатда мазкур бандда назарда тутилган тизимни самарали йўлга қўйиш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш мақсадида **2022 йилда:**

фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек, ўзаро боғлиқ давлат хизматларини мурожаатни кутмасдан таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

«Фуқароларнинг рақамли паспортни» лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан тугилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаходатнома ва диплом каби муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинсин;

кексса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилсин.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) **2022 йил 1 октябрга** қадар давлат хизматлари тизимини халққа янада яқинлаштириш, навбатларни қисқартириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва хусусий секторга ўтказиш чораларини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Тараққиёт стратегиясида **адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича** белгиланган вазифалар доирасида **2022 йилда:**

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан **бепул юридик ёрдам кўрсатиш** тартиби жорий этилсин;

қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминлансин;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилсин.

16. Жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишга амалий қўмаклашиш учун **«дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»**ни бериш тизими жорий қилинсин.

Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, хунарамандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилсин.

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) **уч ой** муддатда «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тизимини ишга туширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) ва Транспорт вазирлиги (И. Махкамов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой** муддатда ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда йўл инфратузилмасини тақомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш бўйича дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратиш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашга ҳамда **«Очиқ бюджет»** ахборот портали орқали йўналтириладиган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилсин.

18. **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) ҳамда унинг ипчи гуруҳи таркиблари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия ва ипчи гуруҳ зиммасига Тараққиёт стратегиясига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, уни 2023-2026 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларининг тайёрланишини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

19. Белгилаб қўйилсинки:

Тараққиёт стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади;

Тараққиёт стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номирдан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга ошириладди.

20. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Тараққиёт стратегияси» маркази таъсисчиларининг «Тараққиёт стратегияси» марказининг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ **тадқиқот ва қасқ»** маркази **сифатида қайта ташкил этиш** ҳамда қуйидаги қўшимча вазифалар юклатиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

тегишли йўналишларда аниқланган тизимли муаммоларни, жумладан, бюрократик тўсиқлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, ишламаётган ҳуқуқий механизмлар, эскириб кетган қоидаларни умумлаштириш;

қўтарилаётган тизимли муаммолар ва Тараққиёт стратегиясида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиб бориш;

тадбиркорлар, олимлар, экспертлар ҳамжамияти ва жамоатчилик вакиллари билан бирга тизимли муаммоларни муҳокама қилган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

тегишли йўналишлар бўйича мавзули ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий

изланишлар олиб бориш.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой** муддатда «Тараққиёт стратегияси» марказининг фаолиятини илгор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, шунингдек, ислохотларни амалга ошириш жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш учун **«илмий майдон»** яратиш бўйича чораларни кўрсин.

21. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва «Ватандошлар» фондининг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнларига миллий ва халқаро ҳамжамиятни кенг жалб қилиб боришга қаратилган қуйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган максадларга эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб борувчи **Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилик гуруҳини** ташкил этиш;

ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаолларидан иборат **Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик гуруҳларини** ташкил этиш ва тизимли равишда жамоатчилик эшитувларини ўтказиб бориш;

фуқаролар томонидан қўтарилаётган ташаббусларни умумлаштириб, фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда **жамоатчилик лойиҳаларини** илгари суриш.

22. «Тараққиёт стратегияси» маркази Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан таҳлилий ва ахборот материалларини Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва оммавий ахборот воситаларида акс эттириб бориш чораларини кўрсин.

23. «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой** муддатда Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг **жойлардаги ижроси натижадорлигини аҳолига етказиш бўйича онлайн портални** ишга туширсин.

Бунда чора-тадбирлар ижроси бўйича аҳолининг фикрлари, таклиф ва эътирозларини қабул қилган ҳолда илгари сурилган ташаббуслар тизимлаштирилиб, ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борилсин.

24. Вазирлар Маҳкамаси: **мунтазам равишда** Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

ҳар чоракда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоийиқтисодий ривожлантириш дастурларини ижро этиш ҳолатини ҳар томонлама муҳокама қилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўйган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриб борсин;

Тараққиёт стратегиясини кейинги йилларда амалга ошириш бўйича йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини ўз вақтида тайёрлаб борилишини таъминласин.

25. Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурини амалга ошириш ажуларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натажалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борсин.

26.Ахборот в аоммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Қўчмнов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда **мунтазам равишда:**

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини **ҳар ойда** муҳокама қилиб бориш, ижро уч

ЕРНИ НОҚОНУНИЙ ОЛИБ ҚҲЙГАН МАНСАБДОРЛАР ЖАРИМА ТўЛАЙДИ

Ер иқтисодиётнинг барча тармоқлари, қишлоқ хўжалигида махсулот етиштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ер ресурсларига нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, ундан самарали фойдаланиш, албатта, мамлакатимиз ободлиги ва фаровонлигига хизмат қилади.

Шу боисдан сўнгги йилларда юртимизда ер ресурсларини асраш, ундан самарали фойдаланиш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Сабаби мамлакатимиз аҳолиси асосий қисмининг даромади ва фаровонлиги мана шу ердан самарали фойдалана олишимизга, унинг ҳосилдорлигини қай даражада сақлаб туришимизга боғлиқ.

“Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан катта аҳамиятга эгадир. Ушбу Қонунга қўра, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 2002-модда билан тўлдирилиб, унда ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчаларга қўра, ерни ноқонуний олиб қўйиш мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар мазкур ҳуқуқбузарлик мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда биноларнинг бузиб ташланишига олиб келса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Жиноят кодексига маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран ерларни ноқонуний олиб қўйган мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан 250 бараваригача миқдорда жарима, 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ҳамда 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари каби жазо чораларини

белгиловчи қўшимчалар киритилди.

Мазкур жиноят мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда биноларнинг бузиб ташланишига олиб келса ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилса, мансабдор шахс 3 йилгача, қўп миқдорда зарар келтирса 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Ерни ноқонуний олиб қўйиш мулкдорга жуда қўп миқдорда зарар етказса ёки қўпчилик учун хавfli бўлган усулда содир этилса, мансабдор шахс муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиб, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган қўшимчаларга қўра эса ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш билан боғлиқ жиноят бўйича дастлабки тергов прокуратура органлари томонидан олиб борилиши белгиланди.

Республикамызда ер майдонларининг муҳофаза тизимини йўлга қўйиш билан қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги саноат комплексларни яратиш ҳамда ерга бўлган талаб эҳтиёжларни тўғри тақсимлаш каби долзарб вазибаларни оқилона ечими топилиши аниқ.

Шу сабабли, фуқароларимиз ҳам давлат ер фондини ташкил этувчи аграр саноатнинг асоси бўлган ер участкаридан тегишли мақсадларда ва белгиланган тартиб асосида фойдалансалар биринчи навбатда давлатнинг, халқнинг мулкига хиёнат қилмаган иккинчи навбатда эса ўзларини маъмурий ва жиноий жавобгарлик каби ноҳуш ҳолатлардан сақлаган бўладидар.

Хулоса ўрнида айтганда, ер – давлат мулки, умум-миллий бойлигимиз саналади. Демак, ер участкасини ноқонуний олиб қўйишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Мазкур қонун эса ер участкасини олиб қўйиш тартибига риоя этмаганлик ва бунинг оқибатида мулкдорларга зарар етказганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш орқали фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Улуғбек РАҲМОНОВ,
туман Адлия бўлими бошлиғи.

Аҳолини рўйхатга олишда махфийлик ва хавфсизлик чоралари

Рўйхатга олиш доирасида ҳар бир шахс ва мамлакатнинг ҳар бир уй хўжалиги тўғрисидаги маълумот тўпланади. Аҳолини рўйхатга олиш шахсларнинг шахсий ҳаётлари билан қизикмайди. Аҳолини рўйхатга олишнинг мақсади жамият ва аҳоли гуруҳлари ҳақида статистик маълумотларни ишлаб чиқишдан иборат. Шу асосда жамоатчилик шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини сақланишига ишонч ҳосил қилиши керак. Исмлар, манзиллар ва Шахсий Идентификация Рақамлари шахсий идентификаторларни рўйхатга олиш натижаларини пайдо бўлишига йўл қўймаслиги ва бошқа маълумотлардан имкон қадар тезроқ чиқиб кетиши учун аҳолини рўйхатга олиш жараёнида ошкор қилинмаслиги керак. Махфийлик талаби рўйхатга олиш жараёнида тўлдирилган рўйхатга олиш варақаларини ҳимоя қилиш ва уларни қайта ишлаш ва яқуний материаллар ва нашрларда мавжуд бўлган маълумотларни ҳимоя қилиш билан яқунланган аҳолини рўйхатга олишининг барча босқичларини қамраб олади.

Жамоатчилик томонидан тақдим этилган маълумотларни қайта ишлаш жараёниларда рўйхатга олиш органлари ходимлар ва улар томонидан рўйхатга олиш ишларини ўтказишда иштирок этиш мақсадида ёлланган барча шахслар томонидан тўлиқ махфийлик таъминлигига риоя қилишлари кафолатланиши керак. Қўпгина мамлакатларда бундай ахборотни ҳимоя қилишни таъминлайдиган ички қонулар, хусусан, рўйхатга олиш қонунчилиги ёки маълумотларни ҳимоя қилиш ва ахборот эркинлиги билан боғлиқ умумий қонунчилик шаклида бўлади.

Мухтор Тўраев,
туман статистика бўлими бошлиғи.

ОГОХ БўЛАЙЛИК

Табиий газнинг портлаш хусусиятига эга эканлигини доимий ёдда сақлашимиз лозим. Кундалик ҳаётда табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилишимиз оила аъзоларимиз ҳамда яқин атрофдагилар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бу қоидаларни ҳамма билиши шарт, ёнилғи махсулотлари ичида бошқаларига нисбатан хавфлироқ бўлгани бу – табиий газ. Табиий газни тўлиқ ёнмаслиги газ оқимини беҳосдан узилиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, газни ёқиб қаровсиз қолдириш, иситиш тизимларига газни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида портлаш ва ёнғин содир бўлиши ҳамда ис газидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин.

Аҳоли томонидан хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қўлбола ностандард газ ҳизматларидан фойдаланиш газ тармоқларига резена шланглар улаш носоз ҳолатдаги дудбуронлардан фойдаланиш ҳамда хонадон ичида очиқ оловдан иситиш мақсадида фойдаланиш ҳолатларининг учраб туриши, фуқароларнинг ис газидан заҳарланишига ҳамда ҳаво ва газ аралашмасининг чакнаши натижасида жабрланиш, ҳатто ҳалок бўлишига сабаб бўлмоқда. Ис газидан заҳарланиш унинг ҳаводаги

концентрацияси ва таъсир муддатига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолларда бош айланиб қаттиқ оғрийд, қусиш, хушдан кетиш ҳамда нафас олиш қийинлашади ва баъзан ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Ис гази рангсиз, таъмсиз, ҳиссиз заҳарли газдир. У асосан қўмир, табиий газлар ва бошқа ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги сабабли юзага келади. Нафас олувчи ҳаво таркибида 0,1 фоиз ис газининг бўлаги ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Ис гази организмга тушганда кислородни тола бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди, натижада инсон ҳушуну йўқотиб қўйиши мумкин. Ис газидан, суьютirilган газдан нотўғри фойдаланилганда ҳам заҳарланиш мумкин.

Қўп ҳолларда турмушда аҳолининг хавфсизлик қоида талабларини билмаслиги ёки уларга бепарволик билан қараши аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли мутахассислар тавсияларига амал қилиб, ўз ҳаётингизни хавфга қўймаслигингизни сўраб қоламиз.

Анвар САМАТОВ,
Жанубий ҚБ ва НСМ
ЎЁХТТЭБ ПванБ мутахассиси,
катта сержант.

Халқимизда аввал иқтисод... деган гап беҳудага айтилмаган. Бугун жамиятимиз пойдевори ва тараққиётида гоят муҳим ўрин тутувчи инвестицияни юртимизга қўпроқ жалб этишда аввало халқимизнинг фаравон ҳаётини таъминлашдек, эзгу гоа мужассам.

Сўзимиз аввалида, инвестицияни иқтисодиёт драйвери, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётимизнинг юраги, дейиш мумкин. Инвестиция тўфайли турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илгор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади. Тадбиркорлик жадал суръатларда ривожланиб бораверади.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ЮРАГИ

Айни пайтда, туманимызда инвестиция муҳитини яхшилаш учун самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги “Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, туманда ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, ҳар ойда самарасиз фойдаланилаётган бино-иншоотлар хатловдан ўтказилиб борилмоқда. Бўш турган ишчи қўйиш майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланиш соҳасида қўшимча шарт-шароитлар яратилаётгани натижасида, тадбиркорлик субъектлари томонидан қўплай инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш чоралари қўрилмоқда.

Хатловдан ўтказиш вақтида белгиланган муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари умумий майдонининг 50 фоизидан қўпроги (бир бино ёки нотурар жой хонаси контури доирасида) товарлар ишлаб чиқаришда “Ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш” фойдаланилмай келинган бўлса, (мавсумий тусдаги фаолият амалга ошириладиган объектлар бундан мустасно), бўш турган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари (кейинги ўринларда фойдаланилмаётган объектлар деб аталади) сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона фойдаланмаслик, шунингдек, фойдаланилмаётган объектларни бошқа мулкдорлар номига расмийлаштириш орқали таъсирчан солиқ механизидан қочиш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса, ўз навбатида, фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб этиш жараёнини мураккаблаштирмоқда.

Кези келганда юқорида тилга олинган Қарорга асосан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, фойдаланилмаётган объектларга солиқ органлари томонидан фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссия хулосасини олмадан, тўғридан-тўғри таъсирчан солиқ механизмини қўллаш ваколати берилишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида оширилган ставкаларда солиқ ҳисобланади. Яъни, мол-мулк ва ер солиқлари ўрнатилган ставкага нисбатан, уч ойга қадар икки баравар, уч ой ўтгандан сўнг беш баравар, олти ой ўтгандан сўнг, ўн баравар, 12 ойдан бошлаб, келгуси ҳар 12 ойда охириги ошириб қўлланилган миқдорнинг икки баравари миқдориди қўлланилади.

Бундан ташқари, фойдаланилмаётган объект мулкдори - юридик ва жисмоний шахслар томонидан эътироз билдирилган, шунингдек, объектга кириш имкони бўлмаган ҳолларда

«ОЛТИН» ВА «МЕХР» ДАФТАРЛАРИ УЛАР ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Бугунги кунда юртимизда тегишли идоралар томонидан 5 та дафтар юритилиб, ушбу дафтарлар фуқароларнинг маълум бир қатламларини қамраб олади. Жумладан, “Аёллар дафтари” ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёки бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

“Аёллар дафтари” юритилиши бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ҳисобланади.

“Ёшлар дафтари” ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёки бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси (Ёшлар — 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар).

“Ёшлар дафтари” юритилиши бўйича Ёшлар ишлари агентлиги масъул ҳисобланади.

“Темир дафтар” ижтимоий ахволи ва турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратта олинган оилаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

“Темир дафтар”нинг юритилиши бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги масъул ҳисобланади.

ANIL JAMOA ORASIDA EKANLIGIMDAN FAXRLANAMAN

Ma'lumki, ta'lim tizimida sifat ko'rsatkichi past yoki olis hududlardagi maktablarga tajribali o'qituvchilarni jalb qilish haqida Prezidentimiz qarori joriy etilgan. Ushbu qarorga asosan men ham olis hududda joylashgan Samarqand viloyati, Nurobod tumani, Chorvador MFY'ga qarashli Hazarmali qishloq'idaги 31-umumiy o'rta ta'lim maktabida faoliyat yuritish uchun ishga keldim. Avvaliga olis hududda yaqinlarimdan yiroqda juda qiyalsam kerak, degan o'y o'tgandi xayolimdan. Yo'q, o'yalarimning aksi o'laroq, bu joylarga juda tez ko'nikdim. Boisi, qishloq odamlari mehmondo'st, samimiy ekan.

O'zbek xalqiga berilgan "mehmondo'st" degan ta'rif aynan samarqandliklarga aytilganiday, nazarimda. Bu insonlar mehmonni boshiga qo'yib, shu qadar hamdard-izzat qilishlari menga mehr-muhabbat urug'larini qalbarga ekib parvarishlaydigan bog'bonga o'xshab tuyuldi. "Mehmon - atoyi xudo" deyilishi bejizga emas ekanligini men shu yerga kelib teranroq anglaganligini his etdim. Darhaqiqat, bu qishloq go'yo mehr-oqibat va samimiyatning tiniq bulog'i. Undan suv ichganing sari ichding kelaveradi.

Qadimgi ota-bobolarimiz, buvi-momolarimizdan qolgan urf-odat va qadriyatlarga sodiqligini meni bu insonlarga nisbatan muhabbatimni yanada oshirdi. Borgan kunimizdan boshlab, biz joylashgan xonadonning atrofida go'ni-qo'shni, qarindosh-urug'lari bizni mehmon deya birmabir uylariga chaqirib mehmon qilishlari, ishdan qaytishimizga ham bir kosa issiq ovqat ilinishlari asl o'zbek xalqining azaliy qadriyatlaridan ekanligi va bu kabi qadriyatlarini ulug'lashlari meni hayratlantirdi. Nurobodliklar mana shunday urf-odatlarini chang g'uborsiz kelgusi avlodlar qo'lga tutqazayotganligidan boshim osimga yetdi.

Mana, qishloqdagi 31-umumiy o'rta ta'lim maktabida ish boshlaganimga ham bor-yog'i ikki oy bo'lishiga qaramay, maktab jamoasiga ham juda tez o'rganib ketdim. Go'yo eski qadrdonlarday. Maktab o'quvchilarining tarbiyaliligi, ilm olishga bo'lgan qiziqishlarining kuchililigi ularning yonib turgan chaqnoq ko'zlarida aks etayotganligini ko'rib quvonchim cheksiz bo'ldi. Inson qadri har nedan ustun ekaniga shu qishloq, shu maktab dargohida yana bir bor amon bo'ldim. Maktab

Давр нафаси таъсирчан солиқ механизми тегишли ишчи гуруҳининг хулосаси асосида қўлланилади. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мустақил тузилган хулосалар ҳамда махсус ишчи гуруҳининг фойдаланилмаётган объектларга таъсирчан солиқ механизмини қўллаш бўйича хулосаси давлат солиқ хизмати органларининг фойдаланилмаётган объект мулкдорига нисбатан таъсирчан солиқ механизминини қўллаши учун асос бўлади. Бунда мулкдорлар белгиланган шаклдаги солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан мол-мулк ва ер солиқлари оширилган ставкалар бўйича ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарорида фойдаланилмаётган объект бегоналаштириллганда, ушбу объект мулкдорига нисбатан 1-ишчи гуруҳининг хулосаси асосида қўлланилган таъсирчан солиқ ҳисобини янги мулкдорга нисбатан ҳам қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Фойдаланилмаётган объект хўжалик фаолиятига жалб этилганда таъсирчан солиқ механизминини қўллаш натижасида, ҳисобланган солиқ сўммалари хўжалик фаолиятига жалб этилган объект мулкдорига тегишли миқдорда қайтарилади. Бунда таъсирчан солиқ механизминини қўллаш натижасида, тўланган солиқ сўммасинин қайтариш 2-ишчи гуруҳининг хулосаси асосида охириги 12 ой учун татбиқ этилади.

Объект қиймати мавжуд бўлмаган ҳолларда, юридик шахсларга тегишли бўлган фойдаланилмаётган объектлар учун мол-мулк солигини ҳисоблаб чиқаришда мол-мулкнинг шартли қиймати ҳар бир квадрат метри учун Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 бараварида, Нукус шаҳри, вилоят марказлари ҳамда республика ва вилоятга бўйсунувчи йирик шаҳарларда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараварида ҳамда бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларида базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараварида белгиланади. Бунда объектнинг фойдаланилмаётган майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлганда, ҳисобланган солиқ суммасига 1,5 баравар миқдордаги қўпайтирувчи коэффициент қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиёт таянчи бўлган ишлаб чиқариш фаолиятини янада ривожлантириш учун туманимиз аҳолиси бирдек маъсул. Инвестиция жозибадорлигини оширишда, янги иш ўринлари яратилиши ва экспорт ҳажминини қўпайтиришда асосий капитал эса ер ҳисобланади. Шунинг учун ундан оқилона фойдаланиш давр талаби эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Зокир ЭШНИЁЗОВ,
туман ҳокимлиги
Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими
бош мутахассиси.

“Олтин дафтар” Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга ватандошларимизни ўз ичига олган.

Ватандош — Ўзбекистонда туғилиб, хорижга чиқиб кетган ва хорижий давлат фуқароси бўлган, Ватанига маънавий ва маданий дахлдорлик туйғусини сақлаб қолган ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан дўстона маданий-гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга интиладиган шахс,

шунингдек, этник ва тил бўйича мансублигига қўра ҳамда маданий-тарихий нуқтан назардан ўзини ўзбек ёки қорақалпоқ деб ҳисоблайдиган ва Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқани қўллаб-қувватлашни истайдиган хорижда яшовчи чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс.

“Мехр дафтари” етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

“Мехр дафтари” тизимига

киритишнинг ахборот тизимидан фойдаланиш ва маълумотларни киритиш тартиби Миллий гвардия томонидан белгиланади. 2022 йил 1 февралгача мазкур ахборот тизими амалиётда жорий этилади.

Ўқув-тарбия муассасалари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари “Мехр дафтари”ни шакллантиришга масъул ҳисобланади.

garchi olis hududda joylashganiga qaramay, unda olib borilayotgan ishlar markaz maktablaridan qolishmas ekan. Maktab rahbarlaridan tortib, pedagog jamoagacha talabchan, jonkuyar, salohiyatli, eng asosiysi, ustozlar bilimini qadrlaydigan oliyanob insonlar ekanligi tashinga sazovor. "Donishmandlar qadrlanadigan yurt kelajagi taraqqiy etaveradi", deydi ulug'larimiz.

Maktabda har bir fan, sport hamda ijodiy to'garaklar muntazam faoliyat yuritadi. O'quvchilarning sportga bo'lgan qiziqishlari ham yuqori. Bunga maktabning jismoniy tarbiya fani o'qituvchilari O.Xo'jamov, I.Raziqovlarning hissallari katta. Qo'l kuchi, volleybol yo'nalishlarida maktab o'quvchilari peshqadam hisoblanar ekanlar. Maktab volleybol bo'yicha tumanda g'oliblikni hech kimga bermay kelishlari ularning qanchalar sportni sevishini isbotlaydi, desam yangilishmayman.

Ma'naviyat insonni kamolotga yetaklaydi. Kamolotga erishish uchun kitob mutolaasi muhim ahamiyat kasb etadi. Bu narsani chuqur idrok etgan maktab jamoasi va o'quvchilar muntazam maktab kutubxonasida o'zlari sevgan asarlarni o'qishiga guvoh bo'lib, rosa quvondim. Quvonarlisi, maktab va mahalla hamkorligi ham yaxshi yo'lga qo'yilgan bo'lib, iste'dodli ijodkor, shoir, "Chorvador" MFY yoshlar yetakchisi Nizomiddin Eshmurodov o'quvchilarning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil qilish maqsadida ularni kitobxonlikka va mushoira kechalariga muntazam ravishda jalb qilib kelmoqda. Bugun men mana shunday kamtar, haqiqiy insoniylik fazilatlarini o'zida mujassam etgan, yutuqlari bilan kibrannmaydigan ma'naviyati yuksak jamoa bilan faoliyat yuritayotganimdan xula xursandman. Bunday jamoa bilan ishlash kishiga yanada kuch-quvvat bag'ishlshi, shubhasiz. Shunday ekan, men ham bor kuch-qudratim bilan o'quvchilarga rus tilini mukammal egallashlari uchun astoydil bel bog'ladim va shu maqsadimni amalga oshirish mening eng asosiy burchim bo'lib qolavardi.

Zulfiyaxon Madaminova,
31- umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi.

БУЮК АЖДОДЛАРНИ ЁД АЙЛАБ



Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса
Олтин бошининг калла бўлгани шудир.
Бедил қолиб Демян Беднийни суйса,
Қора сочининг малла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демоққа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айри ўйнаса, кулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Алдангани, алла бўлгани шудир.
Юлғич тўрга чиқиб, билгич хор бўлса,
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.

Эл қомил бўлмаса, юрт эмас улут,
Бекавр маҳалла бўлгани шудир.
Қаиб тўла нур халқнинг ризқи ҳам тўлиқ,
Омбор тўла ғалла бўлгани шудир.

Ўзбек ўзлигини англаса бекам,
Унинг "Барақалла" бўлгани шудир.
Оламга Навоий наслиман деган
Овози баралла бўлгани шудир.

Эркин Воҳидов.

9 февраль - Алишер Навоий таваллуд топган кун

«Азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро қуда-анда тутиниб, кўз-қошдек яқин қўшничиликда яшаб келаётган халқларимизнинг муштаҳкам дўстлик ришталари ҳақида сўз борар экан, энг аввало, икки муаззам сиймо — Шарқ адабиётининг забардаст вакиллари Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Ҳазрат Алишер Навоийнинг биродарлик муносабатлари ёдга тушади».

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

14 февраль- Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

ВАТАНИ ИШҚИДА ЁНГАН ШОИР

Захириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда эди. Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Хиндистонда бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, “Бобурнома” асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан жой олган.

Дунё маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган шоҳ ва шоир Бобур ижодининг мавзу қўлами кенг. Айниқса, шоирнинг мумтоз шеъриятимизда янгича руҳ — Ватан ва унга бўлган ишқ улугворлиги йўғрилган шеърлари диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, Бобур ижодидаги кўпгина шеърлари ҳасби ҳол мазмунида бўлиб, мавзу жиҳатдан ватан ва унга бўлган соғинч асосий ўринга чиқади. Унинг ижодида ўз ҳаёти билан бақамтилик сезилиб туради: у шоҳ сифатида бошига тушган қийинчиликларни қозоғга туширади. Зеро, ватандан айролик, ватанига ҳукмдор бўлолмагани шоир наздида ўз хатоларидан бири эканлигини ёзади:

*Толе йўқки жонимга балоллиқ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиқ бўлди.
Ўз ерин қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиқ бўлди.*

Бобурнинг ўзи хусусидаги юқоридаги айблови эса унинг ўзига нисбатан талабчанлигидан, қамтар инсон бўлганидан далолатдир.



У Мовароуннахрни тарқ этгач, ижодида Ватан соғинчи, юртни қуйлаш янада кучаяди, Шоирга она юртда қолган дўст-у ёр, ҳеш-у ақрабодлар ва ҳатто, тугилган ўлка табияти, ноз-у неъматлари Ватанини эслатади, унинг бир бўлаги сифатида соғинч билан орзу этилади, ардоқланади:

*Ковун бирла узумнинг ҳажрида кўнглимда гам ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳар дам оқар сув.*

Маълумки, Бобур адолатли подшоҳ сифатида ҳукмрон бўлган юртларда ҳам адолатли сиёсат юритди.

Халқни маърифатга, бунёдкорликка қорлади. Маънавий ҳаётга салбий таъсир этувчи омиллардан воз кечиб, жамият ҳаётида уларни тақкилаб қўйди. Хинд халқи ҳаёти ва маданиятининг гуллаб-яшнашига юксак ҳисса қўшди. Ўзининг илм-у ирфони билан маърифатни янада ривожлантирди. Аммо умр бўйи унинг ҳаёлини Ватан, унга бўлган интилиш банд этди:

*Не ерда бўлсанг, эй сул анодуру чун жони Бобурнинг,
Ғарибига тараххум айлагилким, андижонийдир.*

Ҳа, Бобур ўзга юртда ошён қурган бўлса-да, ўз юртини, ўзлигини унутмаган чин ўзбек фарзандидир. Ўтган давр мобайнида Бобурнинг девонлари, “Бобурнома”, “Аруз рисоласи”, “Волидия” сингари нодир асарлари қайта нашрдан чиқди. Бобур ва бобурийлар ҳақида хорижда яратилган юзлаб бадий, илмий, тарихий манбалар ўрганилди, қўллаб асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Юртимизда илк бор “Бобур энциклопедияси” тайёрланди.

Навоий чашмасидан сув ичиб...

Ё рабки, июнатингни ёр айла манга,
Йўқлукқа ҳидоятингни бор айла манга,
Ҳар қахфи кифоятингни дор айла манга,
Ҳар дурри июнатинг нисор айла манга.
**

Жонимдоғи «жим» икки долинга фидо,
Андинг сўнг «алиф» тоза ниҳолинга фидо,
«Нун»и доғи анбарин ҳилолинга фидо,
Қолғон ики нуқта икки холинга фидо.
**

Гар ошиқ эсанг, зебу тақаллуфни унут,
Яхшию ямон ишда таҳаллуфни унут,
Ўтган гар эрур ямон, таассуфни унут,
Келган гар эрур яхши, тасарруфни унут.
**

Эй ишқ, анинг қўйида тавфи ҳарам эт,
Бизни доғи ул тавфга бошла, қарам эт,
Бир доира қўйи теграсида рақам эт,
Гар чикса аёғим, рақамингдвн қалам эт.
**

Ёшимга бағир қони чу эрди монанд,
Кўз асради ёшдек бўлуб андин хурсанд.
Турмади кўзумда етқач ул сарви баланд,
Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд.
**

Кўзум учадур, магарки ёрим келадур,
Эс ҳар дам озар, магар нигорим келадур.
Ё бодияйи фироқ сайрида қилиб
Юз марҳала қатъ шахсуворим келадур.

ЎН САККИЗ ЁШ ҲАЙРАТЛАРИ

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил хусни бор,
Ўн саккиз ёшина мунча фитнаким бошинадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур,
Хусн шоҳи, ул балоларким, кўзу қошинадур.

Ҳайрат этмон хусни нақшидаки, ҳар хайратки, бор,
Барчаси эзид таоло сунъи наққошинадур.

Таң анга сийму ичина тош музмар қўнглидин,
Ақлға юз хайрат, ул оининг ичу тошинадур.

Май кетур, эй муғки, юз хайрат аро қолмиш Масих,
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошинадур.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашқ,
Ҳар қачон боксанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

ОРАЗИН ЁПҚАЧ КЎЗИМДИН...

Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.

Қут бир бодому ерим гўшан меҳроб эди,
Ғорати дин этти ноғач бир балоллик кўзу қош.

Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,
Субҳнунг бот-бот дами андоғки айлар меҳр фош.

Бўсае қилмас мурувват, асру қаттиқдур лабинг,
Десам оғзи ичра айтур лаъл ҳам бор навъ тош.

Новакинг қўнглимга киргач жон талашмоқ бу экин,
Ким қилур пайқонини қўнглум била жоним талош.

Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур,
Сарвким даъб айлади озодалиқ бирла маош.

Қоши олинда Навоий берса жон, айб этмангиз,
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидир барча бош.

ЛАБЛАРИНГКИМ ҲАЙФ ЭРУР...

Лабларингким ҳайф эрур тенг тутмоқ они қанд ила,
Синдирур юз қанд бозорини шаққар ханд ила.

Тоқи хайронмен сенга номус ила итмиш қўнгул,
Телба янглигким, қочар эл ғофил ўлғач банд ила.

Одам ул соатки жаннат ичра авлодин кўрар,
Не қувонғай дам-бадам сен нозанин фарзанд ила.

Қўй насиҳат, зоҳидо, ўлгул дамидин ваҳм қил,
Телба ит имкони йўқтурким, соғалғай панд ила.

Ҳожатингни элга арз этмакка ҳожат бўлмасун,
Хуш чиқишсанг лаҳзани бу зори ҳожатманд ила.

Лабларинг ҳажринда юр парқандким бўлмиш қўнгул,
Лаъл эрур маҳлул қон ўрнига ҳар парқанд ила.

Чун Навоий қўнгли синди, эмди лутфинг не асиг?
Ким ушатса шишани битмас яна пайванд ила.

“Эшитмоқ-кишини бойитади; кўп гапирмоқ-саёзлатади. Кўп гапирган – кўп янгилишади. Кўп еган-кўп йиқилади. Тан қасалининг асоси –кўп емақдир, қалб қасалининг сабаби –кўп демақдир.”

Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қуллуб.

Тайёрлади: Нодира БОТИРОВА.

ФАЗИЛАТЛИ РАЖАБ ОЙИ

Ражаб ойи кириб келди.

“Ражаб” сўзи қандай маънони англатади?

– Араб тилидаги “ражаб” сўзи ўзбекчада “улуғлаш”, “хурматлаш” маъноларини ифода этади.

Ражаб ойи қандай ой?

– Ражаб ойи – Аллоҳ таоло уруш қилишни ҳаром қилган (зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам, ражаб) ойлاردан биридир.

Ражаб ойда қандай тарихий воқеалар юз берган?

– Ер юзини сув босган тўфонда Нух алайҳиссалом кемага ражаб ойининг биринчи куни минганлар;
– Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламга илк ваҳий ражаб ойда нозил бўлган;
– Машҳур қавлга кўра, Исро ва Меърож воқеаси ражаб ойда содир бўлган.

Ражаб ойининг қандай фазилатлари бор?

– Ражаб ойи барақали ва улуг ой бўлиб, ундаги озгина яхши амал эвазига кўплаб ажру савоблар берилади. Ибодатлар ва дуолар ижобат бўлади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: “Беш кеча борки, унда дуолар рад этилмайди: ражаб ойининг аввалги кечаси; шаъбон ойининг ярмидаги кеча; жума кечаси; фитр куни кечаси ва қурбонлик кечаси” (Ибн Асокир ривояти).

Ражаб ойини Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам қандай ўтказганлар?

– Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам ражаб ойда рўза тутганлар. Усмон ибн Ҳакимдан ривоят қилинади: “Саъид ибн Жубайрдан ражаб ойда турганимизда ражаб рўзаси ҳақида сўрадим. У: “Ибн Аббоснинг: “Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам рўза тутар эдилар, ҳатто оғизларини очмасалар керак, дер эдик. Оғизлари очик бўларди, ҳатто рўза тутмасалар керак, дер эдик”, деяётган

нини эшитганман”, деди”.

– Ражаб ойи қирғанда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Аллоҳумма барик лана фи ражабин ва шаъбана ва баллиғна рамазона” (Аллоҳим, ражаб ва шаъбон ойларида бизларга барака ато қилгин ва бизларни рамазон ойига етказгин!) деб дуо қилганлар (Имом Байҳақий ва Имом Тобароний Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилган).

Уламолардан бири: “Ражаб шамолга, шаъбон булутга, рамазон ёмғирга ўхшайди. Кимки ражаб ойда экин эк-маса, шаъбон ойда уни суғормаса, рамазон ойда қандай ҳосил олади?” деган.

Шундай экан, рамазонда олажак ҳосилимиз мўл бўлмоғи учун Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ўрнак олган ҳолда ражаб ойда кўпроқ солиҳ амаллар билан бирга астойдил дуолар қилишни ҳам унутмайлик!

Тайёрлади: Файрўза КАМОЛОВА.

Nurobod

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari
Nurobod tuman
kengashi,
tuman hokimligi

Nashr uchun mas’ul:
Nodira Botirova

МАНЗИЛИМИЗ:

Nurobod shahri,
Alisher Navoiy ko’chasi,
3-uy,
“Nurobod” gazetasi
tahririyati.

Gazeta Samarqand viloyat
Matbuot va axborot boshqarmasi
tomonidan 2015-yil 20-avgustda
09-10 raqami bilan qayta ro’xatga
olingan.

Gazeta 5000 nusxada chop etildi.
hajmi - 2 taboq.
Ofset usulda bosilgan.
Qog’oz bichimi A - 2.
Bahosi kelishilgan narxda.
Indeks 438. Buyurtma 460.

Muallif mulohazasi tahririyat
fikriga to’g’ri
kelmasligi mumkin. Qo’lyozmalar
taqriz qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

Gazeta oyiga uch marta chop
etiladi.

Bosishga topshirish vaqti – soat 10:30.
Bosishga topshirish vaqti – soat 10:30.

Gazeta “Nurobod”
tahririyatining
o’z kompyuterida
sahifalandi. “NOSHIR
LUX” MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.



Korxona manzili:

Samarqand shahri,
Spitamen ko’chasi, 270-uy.

Navbatchi:
Nigora NORBOBOYEVA

Sahifalovchi:
Fayro’za KAMOLOVA



TELEFON:
633-15-64.